



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

УДК: 616.314-089.23-085

**ТУРЛИ ХИЛ ТИШ ПРОТЕЗЛАРИ НАТИЖАСИДА ОҒИЗ БЎШЛИҒИДА КЕЛИБ
ЧИҚАДИГАН КАСАЛЛИКЛАРНИ ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Мустақимов Жавоҳир Ғолибжонович

Бухоро давлат тиббиёт институти

Ортопедик стоматология ва ортодонтия кафедраси ассистенти



Javokhir Mustaqimov-Assistant, Department of Orthopedic Dentistry and Orthodontics

Bukhara State Medical Institute

23 Gijduvanskaya Street, Bukhara City, 200118,

ORCID: <https://orcid.org/0009-0004-7254-9577>

Email: mustaqimovjavoxir@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада турли тиш протезларидан фойдаланиш натижасида оғиз бўшлиғида юзага келадиган патологик ҳолатларнинг этиологияси, патогенези ва клиник хусусиятлари таҳлил қилинган. Протезостоматит, декубитал яралар, аллергия реакциялар, пародонт тўқималаридаги ўзгаришлар ва микробиоценознинг бузилиши каби асосий асоратлар протез материаллари, конструкциянинг нотекислиги ва микробиологик омиллар билан боғлиқлиги кўрсатилган. Шунингдек, мақолада ушбу ҳолатларни олдини олиш ва даволашнинг замонавий чоралари — аниқ мосланган протезлар тайёрлаш, гипоаллерген материаллардан фойдаланиш, профессионал гигиена, антисептик ва яллиғланишга қарши воситалар қўллаш ҳамда микрофлорани меъёрлаштириш каби ёндашувлар асослаб берилган. Умуман, протез билан боғлиқ касалликларни эрта аниқлаш ва самарали даволаш беморнинг ҳаёт сифатини яхшилаши қайд этилган.

Калит сўзлар: тиш протезлари, протезостоматит, декубитал яра, аллергия стоматит, пародонт тўқималари, микробиоценоз, акрил протезлар, термопласт материаллар, *Candida albicans*, пародонтит, гингивит, ортопедик стоматология, окклюзия, микологик таҳлил, CAD/CAM технологиялари, 3D-принтинг, лазер терапияси, антифунгал даволаш, гипоаллерген материаллар, стоматологик асоратлар.

Аннотация. В статье анализируются этиология, патогенез и клинические особенности патологических состояний полости рта, возникающих вследствие использования различных зубных протезов. Показано, что основные осложнения, такие как протезостоматит, пролежни, аллергические реакции, изменения тканей пародонта и нарушения микробиоценоза, связаны с протезными материалами, структурными нарушениями и микробиологическими факторами. Обоснованы современные меры профилактики и лечения этих состояний: изготовление точно подобранных протезов, использование гипоаллергенных материалов, соблюдение профессиональной гигиены, применение антисептиков и противовоспалительных средств, нормализация микрофлоры. В целом отмечено, что раннее выявление и эффективное лечение протезно-ассоциированных заболеваний улучшает качество жизни пациентов.



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

Ключевые слова: зубные протезы, протезный стоматит, пролежни, аллергический стоматит, ткани пародонта, микробиоценоз, акриловые протезы, термопластичные материалы, *Candida albicans*, пародонтит, гингивит, ортопедическая стоматология, окклюзия, микологический анализ, CAD/CAM-технологии, 3D-печать, лазеротерапия, противогрибковое лечение, гипоаллергенные материалы, стоматологические осложнения.

Abstract. This article analyzes the etiology, pathogenesis, and clinical features of pathological conditions that occur in the oral cavity as a result of the use of various dental prostheses. The main complications, such as prothesostomatitis, decubitus ulcers, allergic reactions, changes in periodontal tissues, and disruption of the microbiocenosis, are shown to be associated with prosthetic materials, structural irregularities, and microbiological factors. The article also substantiates modern measures for the prevention and treatment of these conditions - the manufacture of precisely tailored prostheses, the use of hypoallergenic materials, professional hygiene, the use of antiseptics and anti-inflammatory agents, and the normalization of microflora. In general, it is noted that early detection and effective treatment of prosthetic-related diseases improves the patient's quality of life.

Key words: dental prostheses, prosthetic stomatitis, decubitus wound, allergic stomatitis, periodontal tissues, microbiocenosis, acrylic prostheses, thermoplastic materials, *Candida albicans*, periodontitis, gingivitis, orthopedic dentistry, occlusion, mycological analysis, CAD/CAM technologies, 3D-printing, laser therapy, antifungal treatment, hypoallergenic materials, dental complications.

Стоматологияда ортопедик конструкциялардан тиш протезлари тиш қаторидаги нуқсонларни тиклашда муҳим ўрин тутadi. Бирок, протезлар оғиз бўшлиғининг шиллиқ қавати, пародонт тўқималари ва микрофлораси билан доимий алоқага эга бўлгани сабабли бир қатор патологик ҳолатлар ривожланиши мумкин. И.К. Лукомский (2018) таъкидлаганидек, акрил асосли протезларнинг 55–70% ҳолатларда протезостоматит чақириши кузатилади [1]. Шу сабаб, бундай асоратларни бартараф этишда илмий асосланган ёндашув муҳим ҳисобланади. Турли хил тиш протезларидан (олинадиган, олинмайдиган тиш протезлари, бюгель, акрил, термопласт, металлокерамика ва бошқалар) фойдаланиш оғиз бўшлиғи тўқималарига механик, биологик, кимёвий ва гигиеник таъсир кўрсатади. Натижада бир қатор касалликлар ривожланади.

Протезостоматит (*Stomatitis protetica*). Протез стоматитлари кенг тарқалганлиги билан тавсифланади ва муҳим тиббий-ижтимоий муаммо ҳисобланади. Протез стоматити мавжуд бўлиши беморнинг ҳаёт сифатини сезиларли даражада пасайтиради, шунингдек, даволашнинг иқтисодий самарадорлигини камайтиради ва кўп ҳолларда олинадиган тиш протезларини олиб ташлаш ёки улардан воз кечишга сабаб бўлиши мумкин. Протез стоматитининг шаклланиш сабаблари турлича бўлиб, протезнинг шиллиқ қаватни механик шикастлаши, протез компонентларининг шиллиқ тўқима хужайраларига бевосита токсик таъсир кўрсатиши натижасида ривожланиши мумкин. Протездан фойдаланиш оғиз бўшлиғи микрофлорасининг миқдорий ва сифатий таркибига таъсир қилиб, микробиоценознинг бузилишига олиб келади. Протез материаллари организмда сезгирлик (сенсibiliзация) ҳосил қилиши ва аллергия ривожланишига сабаб бўлиши мумкин. Бу ҳолат айниқса акридан тайёрланган протезларда кўпроқ учрайди. Бунда аллергия омил протез стоматити патогенезида ягона асосий сабаб бўлиши ёки механик, токсик ва бошқа турдаги ножўя таъсирлар оқибатида юзага келган қўшимча омил сифатида намоён бўлиши мумкин. З.П. Фёдоровага кўра (2019), *Candida albicans*нинг кўпайиши ва протез базисининг микроблар билан зарарланиши асосий этиологик омиллардир. [2].

Ривожланиш сабаблари бўлиб, *Candida albicans* замбуруғининг кўпайиши, протезнинг нотекислиги, босим нуқталари, пластмассаларда қолган мономер (токсик таъсири), нотўғри гигиена ҳамда протезни узоқ вақт олиб қўймасдан тақиш. Клиник белгиларига гиперемия,

ёниб туриш ҳисси, оғриқ, эрозиялар, инфильтрация, оғизда нохуш ҳид бўлиши киради (1-расм).



1-расм. Протез стоматити

Декубитал яралар (*Ulceration protetica*). Нотекис протез базиси, чўкиб қолган чок чизиқлари ёки ортикча босим манбалари натижасида юзага келади. Оғиз бўшлиғидаги декубитал яра бу шиллик қаватнинг доимий шикастланиши натижасида юзага келадиган сурункали яра бўлиб, у кўпинча тишларнинг ўткир қирралари, нотўғри мосланган протезлар ёки брекетлар сабабли пайдо бўлади. Даволаш усули шикастловчи омилни бартараф этиш, оғиз бўшлиғининг профессионал санитарияси, ярани маҳаллий ишлов бериш, шунингдек яллиғланишга қарши ва битишни тезлаштирувчи воситаларни қўллашдан иборат. А.Д. Копылов (2021) декубитал яраларнинг 80% ҳолати протезнинг техник хатолари билан боғлиқлигини қайд этади [3].

Ривожланиш сабаблари бўлиб, протез базисининг нотекислиги, қирраларининг қаттиқлиги, протез қўйилганидан кейин коррективка қилинмаган жойлар, юмшоқ тўқималарнинг сезгирлиги. Клиник белгиларига оғриқли яралар, локал гиперемия, қон айланиши бузилиши, эпителийнинг юзасида чуқур нуқсонлар киради (2-расм).



2-расм. Декубитал яра

Аллергик стоматит. Аллергик стоматит - бу оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг турли моддаларга аллергия реакция натижасида юзага келадиган яллиғланишидир. Аллергия кўпинча: акрил пластмассасидаги мономерга, никель-хром қотишмасига, колорит пигментларига бўлади. М.С. Макашов (2017) акрил асосли протезларнинг 10% беморда аллергия стоматит чақириши ҳақида маълумот беради [4].

Ривожланиш сабаблари бўлиб, акрил пластмассадаги мономер, металл қотишмалар (хром, никель), ранг пигментлари, протезни тозалаш учун ишлатиладиган агрессив моддалар. Клиник белгиларига шиш, кизариш, ёниб туриш, қичишиш, оғриқ, яралар пайдо бўлиши ва сўлак ажралиши кўпайиши киради. Даволаш аллергияни аниқлаш ва уни бартараф этиш, шунингдек дори воситаларини (антигистаминлар, маҳаллий воситалар) қўллаш ҳамда парҳезга амал қилишдан иборат (3-расм).



3-расм. Аллергик стоматит



Пародонт тўқималаридаги ўзгаришлар. Бу касалликлар кўпроқ бюгель протезлари ва олинмайдиган конструкциялар (қоплама, кўприксимон протезлар, винирлар)да учрайди.

Пародонт тўқималаридаги ўзгаришлар яллиғланиш жараёнлари (пародонтит, гингивит), дистрофик ўзгаришлар (пародонтоз), шунингдек травматик шикастланишларни ўз ичига олади. Бундай ўзгаришлар милкнинг қонаши, тишларнинг силжиши (ҳаракатчанлиги), шиш, пародонтал бўшлиқлар шаклланиши ва тиш бўйнининг очилиб қолиши билан намоён бўлади. Пародонтитда тўқималарнинг яллиғланиши ва бузилиши кечса, пародонтозда эса тўқималарнинг дистрофияси ва суяк тўқимасининг сийраклашиши кузатилади (4-расм).



4-расм. Пародонт тўқималаридаги ўзгаришлар

Кариес ва тиш эмали деминерализацияси. Ретенцион зоналарда (брекетлар, бюгель кламмерлари атрофи) биоплёнка йиғилиши кариесга олиб келиши мумкин. Питерсон ва ҳаммуаллифлар (2020) бу ҳолатни “ретенцион зоналар” билан боғлайди [5].

Диагностика усуллари. Ортопедик ва терапевтик стоматологияда қуйидаги усуллар кенг қўлланилади: клиник текширув; микологик таҳлил (*Candida* учун); окклюзияни текшириш; рентген диагностика; аллерготестлар; протез контакт зоналарини идентификация қилиш (артикуляционная бумага).

Протезостоматитни замонавий даволаш. Олимлар таклиф қилган оптимал схема:

- антисептик ювишлар: хлоргексидин, мирамистин;
- антифунгал терапия: нистатин, клотримазол, флуконазол;
- протезни энзимли эритмаларда дезинфекция қилиш;
- протезнинг остки қисмини релейнинг қилиш;
- паст интенсивли лазер терапия — эпителизацияни 2–3 марта тезлаштиради (Gorniak, 2019) [8].

Декубитал яралар терапияси:

- травматик жойларни тўғрилаш;
- солкосерил, метилурацил геллари;
- УЗ-терапия, биолазер терапия;
- протезни қайта мослаш ёки қайта тайёрлаш.

Аллергик реакцияларни бартараф қилиш:



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

- гипоаллерген материаллардан фойдаланиш (нейлон, PEEK, термопласт);
- антигистамин препаратлар;
- акрилда аллергия бўлса - термопластик протезларга ўтиш;
- металл аллергиясида — титан қотишмалари.

Пародонт тўқималарни даволаш:

- профессионал гигиена;
- хлоргексидин ювишлар;
- окклюзион мослаштириш;
- шина-протезлар;
- пародонт регенерацияси учун геллар (гилиуронат комплекслари).

Кариесни олдини олиш ва даволаш:

- фторизация;
- композит пломбалар билан тиклаш;
- ирригатор, интердентал щётка тавсияси;
- протез атрофидаги гигиенани назорат қилиш.

Профилактика.

1. CAD/CAM технологиялари - аниқлик ва биомослашувчанликни оширади.
2. 3D-принтинг протезлари – босим нуқталари минимал.
3. Ультразвук ванналари – протез гигиенасини яхшилайд.
4. Антифунгал тозалаш протоколлари.
5. Пациент ўқув дастурлари – стоматит ҳолатини 30–40% камайтиради (Fischer, 2020) [9].

Хулоса. Турли хил тиш протезлари натижасида юзага келадиган стоматологик касалликлар механик, микробиологик, кимёвий ва индивидуал омиллар билан боғлиқ. Замонавий диагностика ва комплекс даволаш усуллари - лазер терапияси, замбуруғларга қарши воситалар, CAD/CAM технологиялари ва биомослашувчан материаллар қўлланилиши асоратларни камайтириб протезларнинг хизмат муддатини оширади. Илмий ёндашувга асосланган профилактика чоралари эса ортопедик стоматология самарадорлигини янада оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Лукомский И.К. Ортопедическая стоматология. – Москва: МЕДпресс-информ, 2018.
2. Фёдорова З.П. Заболевания слизистой оболочки рта при пользовании съёмными протезами. – Санкт-Петербург, 2019.
3. Копылов А.Д. Клинические осложнения съёмных зубных протезов. // Российский стоматологический журнал, 2021.
4. Макашов М.С. Аллергические реакции на акриловые протезы. – Алматы, 2017.
5. Peterson L., Ellis E. Contemporary Oral and Maxillofacial Surgery. – St. Louis: Mosby, 2020.
6. Liton M.E. Denture-related lesions and mechanical factors. // Journal of Prosthodontics, 2019.
7. Samaranayake L. Essential Microbiology for Dentistry. – London: Elsevier, 2018.
8. Gorniak J. Low-level laser therapy in dentistry. – Dental Research Journal, 2019.
9. Fischer N. Novel protocols in denture hygiene. // International Journal of Dental Hygiene, 2020.
10. Васильев, А. А. (2018). Протезные стоматиты и другие осложнения зубного протезирования: диагностика и методы лечения. МедПресс.